

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАЛИЛОВ АБДУЛАТИФ АБДУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура

**СИЁСИЙ ФАҲЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences**

Жалилов Абдулатиф Абдуллаевич Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятининг ривожланиш жараёнлари.....	3
Жалилов Абдулатиф Абдуллаевич Процессы развития политической культуры молодёжи в Узбекистане.....	23
Jalilov Abdulatif Abdullaevich Processes of development of political culture of youth in Uzbekistan.....	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАЛИЛОВ АБДУЛАТИФ АБДУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура

**СИЁСИЙ ФАҲЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ss224 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусаев Одил Рахматович
фалсафа фанлари доктори, проф.в.б

Расмий оппонентлар:

Қўчқоров Вахоб Хошимович
сиёсий фанлар доктори, профессор
Ахмедов Хусниддин Алиқулович
сиёсий фанлар доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSC.03/30.12.2019.SS.01.08. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-02-24; e-mail: pauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-67-71, факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кун тарқатилди
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

А.Х.Холмахматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.д.(PhD).

Б.Т.Тўйчиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертациямавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугун жаҳондаги мураккаб ва тез ўзгарувчан глобаллашув шароитида ҳар қандай давлатнинг замонавий жамиятга трансформацияланганлик даражаси улар томонидан сиёсий, иқтисодий ҳамда социомаданий воқеликдаги ёшларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришга йўналтирилганлиги билан белгиланади. Ёшлар сиёсий маданиятининг ривожланиш жараёнлари муаммоларини ҳал қилиш соҳасидаги самарали давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда унда қўлланиладиган механизм ва технологияларни такомиллаштириб бориш ижтимоий барқарорлик кафолати бўлиш билан бирга ижтимоий тараққиётнинг ҳам гарови ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнларида замонавий методларини қўллаган ҳолда амалга ошириладиган узоқ муддатли сиёсат моделини ишлаб чиқишга бўлган заруратни янада кучайтирмоқда.

Ҳозирга вақтда дунёнинг аксарият мамлакатларида ёшлар сиёсий маданиятининг ривожлантириш билан ишлашнинг янгича моделларини яратиш ҳамда уларни амалга оширишда инновацион механизм ва технологияларни яратишга оид кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кўпгина мамлакатларда бундай моделларни ишлаб чиқишда уларнинг замон талабларига мослигига асосан бажарадиган вазифаларига катта миқдордаги маблағларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, ёшлар сиёсий маданиятининг ривожлантириш бўйича миллий моделларнинг нафақат локал нуктаи назардан муваффақиятли амал қилиши балки, уларнинг мазкур соҳадаги халқаро муносабатларга интеграциялаша олиши, мазкур сиёсатнинг самарадорлигини белгиловчи муҳим мезонлар сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинди. Айниқса, сўнги йилларда мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”¹. Бугунги кунда Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ва уни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг замонавий механизмларини

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –Б. 14.

ишлаб чиқиш жамиятимиз, қолаверса, давлатимиз олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон фармони, “Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунлари, 2018 йил 28 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3138-сон қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг нутқларида илгари сурилган ғоялар², Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнларини янада такомиллаштириш юзасидан билдирилган концептуал ва амалий таклифлари³ назарий манба бўлиб ҳисобланади.

Ёшлар муаммоларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганишда АҚШ олимларидан Генри Героук⁴ ва Майк А. Мейлс⁵, немис тадқиқотчиларидан

² Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий меъзони. - Т. 19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 292 б; Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 383 б.

³ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Буюк келажагимизни мурд ва олижаноб халқимиз билан бирга қураемиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

⁴ Henry Giroux. *Schooling and the Struggle for Public Life*. (1988); Henry Giroux. *Border Crossings: Cultural Workers and the Politics of Education*. (1992); Henry Giroux. *Between Borders: Pedagogy and the Politics of Cultural Studies* (with Peter McLaren) (1993); Henry Giroux. *Disturbing Pleasures: Learning Popular Culture*. (1994); Henry Giroux. *The Abandoned Generation: Democracy Beyond the Culture of Fear*. (2004); Henry Giroux. *Terror of Neoliberalism*. (2004); *Against the New Authoritarianism*. (2005); Henry Giroux. *Beyond the Spectacle of Terrorism: Global Uncertainty and the Challenge of the New Media*. (2006); Henry Giroux. *Stormy Weather: Katrina and the Politics of Disposability*. (2006); Henry Giroux. *The University in Chains: Confronting the Military-Industrial-Academic Complex*. (2007)

⁵ Mike A. Males. *Kids And Guns*. Common Courage Press, 2001; Mike A. Males. *The Scapegoat Generation: America's War On Adolescents*, 1996; Mike A. Males. *Framing Youth: 10 Myths About The Next Generation*. Common Courage Press, 1999; Mike A. Males. *Smoked: Why Joe Camel Is Still Smiling*. Common Courage Press, 1999

И.С.Кон⁶ ва Карл Мангэймларнинг изланишлари назарий методологик асос вазифасини ўтайди. Шунингдек, А.Луков, А.Рудаков, П.И.Бабочкин, А.Д.Плотников, С.А.Биков, Л.А.Журавлева, О.И.Иванов, И.Г.Васильев, С.Н.Иконников, А.И. Ковалева, В.А.Луков, В.В.Нехаев, Г.В.Куприянова, В.И.Чупров, Ю.Зубок сингари⁷ постсовет макони олимлари томонидан ёшлар социологияси, уларнинг ахлоқий ва эстетик қарашлари, ёшлар сиёсати амалиёти, жамият ривожига ёшлар ташкилотларининг ижобий ва салбий таъсири масалалари, ёшлар орасидаги деструктив ғоялар мазмуни, ёшларни жамият фаолиятига жалб этиш, шунингдек, ёш оилалар муаммолари тадқиқ қилинган.

Сиёсий маданият феноменини ўрганишга киришишдан олдин, биринчи навбатда, бу концепцияда нимани ўз олдига мақсад қилиб олади? деган саволга жавоб топиш керак бўлади. Айни шу масалада аксарият сиёсатшунос олимлар бир нечта муаммоларга дуч келади. Бу масала бўйича етарли миқдорда адабиёт мавжуд бўлишига қарамасдан, сиёсий маданият ҳодисаси ҳақида ҳалигача умумэътироф этилган ягона таъриф ва тасниф мавжуд эмас. Шу боисдан ҳам дастлаб олимлар сиёсий маданиятнинг ўзига хос функциялари, аспектлари ёки унинг таркибий қисмларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратадилар.

Сиёсий маданият сиёсий фанларнинг ўзига хос категорияси сифатида биринчи марта америкалик тадқиқотчилар Г. Алмонд ва С. Верба томонидан "Фуқаролик маданияти: сиёсий қарашлар ва беш мамлакатда демократия" номли китобида қўлланилган. Айни шу йўналишдаги тадқиқот сабаб 1959-1960 йилларда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия ва Мексикада кенг қамровли жамоатчилик сўрови ўтказилган⁸.

Г. Алмонд сиёсий ҳуқ ва сиёсий жараёнларни ўрганиш учун мақбул бўлган янги сиёсий маданият концепциясининг биринчи бўлиб илмий муомлага киритган. Унинг фикрича, сиёсий маданият сиёсий тизимга асосланган сиёсий объектларга йўналтирилган махсус билим шаклидир. Г. Алмонд ва С. Верб бу ҳақида шундай деб ёзадилар: "Сиёсий маданият" атамаси сиёсий тузум ва унинг турли қисмларига ва ҳар бир инсонни мавжуд сиёсий тизимдаги ўз ролига нисбатан муносабати, сиёсий қарашларини англатади". Кейинги Г. Алмонд ва С. Верб сиёсий маданиятни билим (сиёсат ҳақида билим ва тасаввурлар), ҳиссиёт (сиёсатга нисбатан ҳис-туйғулар) ва баҳолаш (сиёсий объектлар ҳақидаги фикрларни қиёслаш) кабилардан иборат эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтадилар⁹.

Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотчилар сиёсий маданиятга тегишли бўлган бу ёндашувни рад этадилар, уни субъектив ва ноаниқ асосга эга деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатан ҳам, "сиёсий маданият"ни сиёсий менталитет, миллий характер ажратиб тушуниладиган ҳодиса эмас. Америкалик

⁶ Кон И. С. Социология молодежи. В кн.: Краткий словарь по социологии. – Москва, 1988.

⁷ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари номи диссертациянинг "Фойдаланилган адабиётлар рўйхати" қисмида келтирилган – А.Ж.

⁸Henry Giroux. The University in Chains: Confronting the Military-Industrial-Academic Complex. (2007) P.35.

⁹Ўша манба.

тадқиқотчи Р. Далтон бу ҳақида алоҳида тўхталиб, унинг миллий менталитет, ижтимоий-маданий интеллектуал даражаси билан боғлиқ яна бир қанча муҳим жиҳатларига муаллифлар эътибор бермаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Л. Пай 1972 йилда бу сиёсий маданият концепциясини “сиёсий фан вакиллари ва, айниқса, зиёлилар орасида кенг тарқалган” лигига эътибор бериб, уни “қийин” ва “бошқа сиёсий категориялар” га ўхшаш, яқин жиҳатлари борлигига уруғ беради. Бизнинг назаримизда, сиёсий маданият – сиёсий муносабатлар тизими ҳисобланади ва айна пайтда авлодлар алмашинуви натижаси, уни ташкил этувчи унсурларни ишлаб чиқиш ва қайта тайёрлаш жараёни ҳамдир. Сиёсий маданият мунтазам равишда ривожланиб боровчи динамик ҳодисадир¹⁰.

Сиёсий маданиятнинг турли жиҳатларини тадқиқ этиш асосида концептуал ёндашувлар шаклланган. Жумладан, АҚШ ва Еуропада сиёсий маданият хусусида бир неча йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Тадқиқотдан маълум бўлишича, дунё олимлари томонидан сиёсий маданият соҳасидаги илмий изланишлар XX асрнинг ўрталаридан бошлаб кенг миқёсда ривожлантирилган. АҚШда Д.Болинджер, В.Ф.Дэвисон, П.Лайнбарджер, Германияда Ф.Клемперер, Францияда П.Серио, А. Пеше, П.Анри, Р. Барт ва бошқалар сиёсий маданиятнинг концептуал томонларини ёритишга ҳаракат қилганлар. Бугунги кунда сиёсий маданиятнинг илмий-методологик асослари Е.И.Шейгал, А.П. Чудинов, К.В.Никитин ва бошқа шу каби олимлар томонидан тадқиқ этилмоқда.

Ўзбекистонда сиёсий маданиятнинг турли жиҳатларини И.Эргашев, Н.Жўраев, С.Жўраев, А.Қодиров, У.Идилов, И.Саифназаров, М.Қирғизбоев, Т.Одилқориев, Ш.Ғойибназаров, Б.Туйчиев, Н.Умарова, Т.Алимардонов, О.Жумаев, В.Ким, Ш.Пахрутдинов, Б.Иминов, Г.Шерниёзова, Л.Тангриев, А.Хайдаров, У.Мухаммадиев, О.Мусаев каби олимларнинг ишларида сиёсий маданият сиёсий фанлар нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Бунда бир олим “сиёсий маданият” тушунчасига турлича таъриф беради. Хусусан, Сиёсий фанлар доктори, профессор Нарзулла Жўраевнинг таъкидлашича, “Сиёсий маданият, сиёсий онг даражаси жамият ҳаётида инсон иштирокининг қандайлигини белгилайди. Зотан, сиёсий маданият ва сиёсий онг юксак бўлган жойда одамлар ҳокимият ишида фаолроқ иштирок этишади. Қарорлар қандай қабул қилиниши, унинг ижроси қандай назорат қилинаётганлигини кузатиб боришади, муносабат билдиришади. Ўз ҳаётларига дахлдор бўлган маъмурий тадбирларга бефарқ қарашмайди. Аксинча, уларни тайёрлашда иштирок этишади, натижада қарорлар ижроси учун ўзлари манфаатдор сифатида масъулиятни ҳис қилишади.” Фикримизни давом эттириб, шуни айтиш керакки, Н.Жўраев ўзининг “Тарих фалсафасининг назарий асослари” номли монографиясида “Демократиянинг сиёсий маданияти” деганда аҳолининг сиёсий фаоллиги даражасини кўзда тутиб, жамиятда сиёсий

¹⁰Henry Giroux. Stormy Weather: Katrina and the Politics of Disposability. (2006). P. 76.

маданиятнинг шаклланиши сиёсий муҳитга бевосита боғлиқ, деб таъкидлайди¹¹.

Мазкур ишларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини эътироф этган ҳолда таъкидлаш жоизки, улардан кейинги ўтган вақт давомида бу борада мамлакатимиз ёшлари ҳаётида улкан аҳамиятга молик ислохотлар, туб ўзгариш ва янгиланишлар амалга оширилди.

Мавжуд илмий адабиётлар ва изланишлар таҳлили Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятининг ривожланиш жараёнлари мустақил тадқиқот объекти сифатида алоҳида олинган ҳолда ўрганилмаганини кўрсатади. Бу тадқиқот мавзуини илмий ўрганиш объекти сифатида танлаб олинишига сабаб бўлди.

Шу билан бирга Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини амалга оширишда ҳам сиёсий маданияти етук ва маънан ҳар тамонлама баркамол ёш авлодни вояга етказишга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтариш билан боғлиқ мавзуни бевосита махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнлари ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш” банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнлари ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмларига оид назарий хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“сиёсий маданият”, “ёшлар сиёсий маданияти” категорияларини таъриф ва тасниф этишдаги турли сиёсий қарашларнинг маъно-мазмунини қиёсий таҳлил қилиш;

ижтимоий-сиёсий тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда ёшларни сиёсий маданияти ва уни ривожланиш босқичлари тушунчаларининг илмий-концептуал таҳлилинини бериш;

замонавий жамиятда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш стратегиясини илмий-амалий нуқтаи-назардан ёритиш;

ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришда давлатнинг ёшларга доир сиёсатининг ўрни тадқиқ этиш;

фуқаролик жамияти институтларининг ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришдаги фаоллигини таъминлашнинг стратегик йўналишларини аниқлаш;

миллий ва умуминсоний қадриятларнинг сиёсий маданият шаклланиши ва ўзгаришидаги ролини ёритиш;

¹¹ЖўраевН. Тарихфалсафасинингназарийасослари Т. 2008. 48 б.

ёшлар сиёсий онги ва сиёсий маданиятининг амалий трансформациясини сиёсий-интеллектуал нуқтаи-назардан таҳлил қилиш;
давлатнинг ёшлар сиёсати ва сиёсий маданиятни юксалтиришнинг устувор йўналишларини илмий-амалий жиҳатдан очиқ бериш;

Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини юксалтиришни истиқболли йўналишларининг истиқболли йўналишларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятининг ривожлантириш билан боғлиқ жараёнлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятининг ривожлантириш жараёнлари ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда хорижий тажрибаларнинг ўрни кабилардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда объективлик, тарихийлик, қиёсий-тарихий, тузилмавий, тузилмавий-функционал, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, ҳужжатларни ўрганиш, маълумотни қайта ишлаш гуруҳлаш каби социологик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий методологик ёндашувлар концепциясида ёшлар сиёсий маданиятини юксалтиришда миллий-ментал хусусиятларни инобатга олиш ва шахснинг ижтимоийлашувида «шахс-махалла-ННТ-давлат» форматини йўлга қўйиш муҳим омил эканлиги асосланган;

Ўзбекистон ёшларининг ижтимоийлашуви ҳолатини аниқлаш учун глобал ҳамда регионал миқёсдаги стандартлаштиришга доир мониторинг қилиш мезонлар тизими (жамоавийлик, андишалик, уятчанлик, фикрини очиқ айтмаслик каби) ментал хусусиятлар инобатга олиниб такомиллаштирилган;

мамлакатимизда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш борасида фаолият олиб боровчи давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги (давлат+Ёшлар агентлиги, давлат+жамоат ташкилотлари, давлат+нодавлат ташкилотлар каби кўринишларда) ижтимоий шерикчиликка асосланиши лозимлиги очиқ берилган;

“сиёсий маданият”, “сиёсий онг”, “ёшлар сиёсий маданияти” каби категориялар халқимизга хос бўлган ментал хусусиятлар (ўзидан катталарга, раҳбарларга, айниқса лидерларга ишониш каби)билан боғлиқ тамойиллар асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнларини мониторингини амалга ошириш мезонлари тизими такомиллаштирилган;

тадқиқотда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнларида иштирок этувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда жамоат ташкилотларининг фаолиятларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар

ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган ўқув қўлланма ва у ҳақдаги рецензиялар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган ғоялардан сиёсий фанлар, давлат бошқаруви, халқаро сиёсий муносабатлар, фалсафа, ижтимоий фалсафа, психология, социология, фуқаролик жамияти ва тарих фанлари бўйича тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришга оид давлат сиёсатининг шаклланиш ва амалга оширилиш жараёнларини янада такомиллаштириш ва ушбу йўналишдаги сиёсатнинг субъекти сифатида фаолият юритувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолият самарадорлигини янада оширишни таъминлайдиган мезонларни жорий этиш нуқтаи назаридан алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилганлиги ҳамда мазкур жараёнларни ташкил қилишга қаратилган хулоса ва тавсиялари кўрсатиб берилганлигига кўра амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг механизмлари ва технологияларини ўрганиш натижасидаги таклифлар асосида:

замонавий методологик ёндашувлар концепциясида ёшлар сиёсий маданиятини юксалтиришда миллий-ментал хусусиятларни инобатга олиш ва шахснинг ижтимоийлашувида «шахс-махалла-ННТ-давлат» форматини йўлга қўйиш муҳим омил эканлигига оид таклиф ва тавсиялардан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида тайёрланган “Ёшлар ва келажак” номли ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2018 йил 24 сентябрдаги 14/413-сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини тизимли мониторинг қилиш ҳамда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар динамикасини ёритиб борувчи тизимни такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон ёшларининг ижтимоийлашуви ҳолатини аниқлаш учун глобал ҳамда регионал миқёсдаги стандартлаштиришга доир мониторинг қилиш мезонлар тизими (жамоавийлик, андишалик, уятчанлик, фикрини очик айтмаслик каби) ментал хусусиятлар инобатга олиниб такомиллаштирилганлигига доир янгилигидан “Адолат” социал-демократик партияси “Ёш адолатчилар” қанотининг Низомини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг 2019 йил 16 майдаги 01-04/153-сон маълумотномаси). Натижада партиянинг “Ёш адолатчилар” қаноти Низомидаги умумий вазифаларни сиёсий индивидуализм тамойили асосида амалга ошириш

технологиялари ва тарғибот акцияларининг назарий-методологик асоси такомиллаштирилган;

мамлакатимизда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш борасида фаолият олиб борувчи давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги (давлат+Ёшлар агентлиги, давлат+жамоат ташкилотлари, давлат+нодавлат ташкилотлар каби кўринишларда) ижтимоий шерикчиликка асосланиши лозимлигига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқаруви Академиясида “Ўзбекистонда ёшлар сиёсати” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқаруви Академияси 2018 йил 22 октябрдаги 01/312-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ва тавсиялар академиянинг мазкур йўналишдаги фаолиятлари ривожланишини ёритишгасамарали хисса қўшган;

“сиёсий маданият”, “сиёсий онг”, “ёшлар сиёсий маданияти” каби категориялар халқимизга хос бўлган ментал хусусиятлар (ўзидан катталарга, раҳбарларга, айниқса лидерларга ишониш каби) билан боғлиқ тамойиллар асосида берилган хулосалардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2019 йилда нашр этилган “Ёшларда сиёсий маданиятни ривожлантириш омиллари” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2019 йил 26 мартдаги 04-13/1399-сон маълумотномаси). Натижада Мазкур таклиф ва тавсиялар Иттифоқнинг ушбу йўналишда амалга ошириётган фаолиятининг назарий асосларини мустаҳкамлаш ва амалий ишлари самарадорлиги ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола (2 та республика, 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, тўққизта параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ:

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга

жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида, Замоनावий ёшлар иши соҳасининг котегиориал тузилмаси, Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнларига оид давлат сиёсатини тадқиқ этишнинг методологик ва концептуал асослари ҳамда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг меъёрий-ҳуқуқий асослари: ишлаб чиқилиши ва шаклланиш босқичлари очиб берилган.

Сиёсий маданият ўз ичига сиёсий билимлар доирасидаги анъаналар, кадриятлар, сиёсий хулқ-атворлар бирлигини мужассам этганлиги боис, уни мавжудлиги давлат ва жамиятнинг тараққиёти учун замин бўлиб хизмат қилишини, қилажагини билдиради. Аммо бу жараён мураккаб ва хилма-хиллик хусусиятига эга. Чунки сиёсий тизимлар, анъаналар ҳар бир халқ, миллат учун алоҳида аҳамият касб этади. Жамият бошқарувини жорий этган мамлакатлар ва жамиятлар мисолида айнан бир хил сиёсий институтларни турлича фаолият кўрсатишлари, айнан бир хил сиёсий соҳадаги янгиликларни қайсидир мамлакатда осонлик билан, қолганларида умуман жорий этиб бўлмаслиги каби мумаммоларни тушуниш, уларни ечимини топиб беришда сиёсий маданиятнинг ўрни каттадир. Чунки, бу янгиликлар инсонлар гуруҳига хос хусусият бўлиб, улар эса автоматик фаолият кўрсатувчи механизм эмас. У аста-секин мослашувчанлик, шунингдек, унга юклатилган вазифаларни бир маромда бажарувчи табиатга эга бўлган мавжудотдир. Айнан шу ҳолатларни амалга оширишнинг манбаи-инсоннинг жамиятнинг у ёки бу соҳасида эга бўлган кадриятлари ва анъаналари йиғиндиси, яъни, маданият бўлиб хизмат қилади. Бошқача қилиб сиёсий маданият-сиёсий тизимлар ва давлат ҳақидаги билимлар қарашлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Сиёсий маданиятни шаклланиши бир неча босқичларда амалга оширилади ва давомийлик хусусиятига эга бўлган социализация, яъни ижтимоийлашув жараёнини босиб ўтиши лозим¹².

Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнлари билан боғлиқ ҳар қандай тадқиқот кўп ёқлама характер касб этади. Зеро, мазкур муаммоларнинг ечими маҳаллий ва давлат бошқаруви, социология, ижтимоий иш, педагогика соҳасидаги амалиётчи ва назарийчи мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлигини талаб қилади. Айни соҳаларнинг ҳар бири ёшлар муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ ўз котегиориал аппаратида эга. Шу маънода, ёшлар тушунчаси бир сўз билан ифодаланса-да, мазмуни ва ҳажмига кўра, турли соҳаларда турлича қўлланилади. Бу эса ўз навбатида жиддий коммуникатив ва тадқиқотчилик муаммоларини юзага келтиради.

¹² Курбонов Р. Ёшларда ҳарбий ватанпарварликни тарбиялашда миллий ғоянинг роли (ижтимоий-фалсафий таҳлил). –Т., ЎЗМУ, 2009. 64 б.

“Сиёсий маданият – инсоннинг сиёсий тарихий тажрибалари асосидаги сиёсий тизим, сиёсий воқелик, сиёсат, қонунлар ва унинг амал қилиш қоидалари ҳақидаги тасаввурлари, шахснинг фикрлаш, воқелик ва ҳодисаларга онгли муносабатда бўлиш ҳамда тизимли дунёқараш ҳосил қилиши асоси. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир шахснинг муайян сиёсий тизимда мақсадли ҳаракат қилишининг заминидир”¹³. Юсак сиёсий маданиятга асосланадиган адолат мезонлари барча сиёсий ҳодисаларни жамият манфаатларига мувофиқ нуқтаи назардан баҳолашни тақозо этади. Давлат жамиятнинг барча қатламлари ўртасида келишувни таъминлайдиган ва ўз сиёсатини амалга оширишда жамият манфаатларини ҳар тарафлама эътиборга оладиган жамиятда чинакам ижтимоий адолат ҳукм суриши мумкин.

Ёшларга оид давлат сиёсатини тадқиқ этишга қаратилган кадриятий-меъёрий, тизимли ва тузилмавий-функционал, институционал, социологик, антропологик психологизм, бихевиористик ва ёшларнинг сиёсий хулқ-атворлари ҳамда сиёсий маданиятини эмпирик тадқиқ этишга қаратилган статистик, ҳужжат таҳлили, анкета сўровномаси, лаборатория эксперименти, иш ўйини, кузатиш кўплаб назарий-методологик ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришга оид жараёнларига оид давлат сиёсатини шаклланиш ва амалга ошириш жараёнини икки босқичга ажратган ҳолда тадқиқ этиш мумкин. Мазкур хронологик даврлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонунлари детерминанд қилиб олинган. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг меъёрий-ҳуқуқий ташкилий асосларининг шаклланиши ва ёшларга оид давлат сиёсати субъектларининг вужудга келиши ҳамда ривожланиши, биринчи босқичнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади ва у 1991-2016 йилларни ўз ичига олади. Иккинчи босқичини 2016 йилдан то бугунги кунгача бўлган давр деб эътироф этади.

Ҳозирги кунда давлат бошқарувида амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар даврида сиёсий маданиятнинг ўрни қандай бўлиши керак?. Сиёсий маданиятнинг ўзи нима? Уни қандай шакллантириш мумкин? каби чуқур таҳлил талаб, муаммоли саволларга бот-бот дуч келмоқдамиз. Бугунги кунда бундай саволларга тегишли ҳамда мантиқли жавоб топиш, ушбу соҳа билан шуғулланувчи тадқиқотчи-олимларнинг олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Аввало, сиёсий маданият тушунчасига тўхталадиган бўлсак. Сиёсий маданият – умумий маданиятнинг муҳим бир ажралмас таркибий қисми ҳисобланиб, жамиятнинг сиёсий ривожланиши жараёнида фуқароларнинг тегишли сиёсий билим ва тажрибаларга эга бўлишида, сиёсий воқеаларга ўз муносабатларини билдиришларида ҳамда баҳо беришларида ва бошқа ана шунга ўхшаш ҳолатларда намоён бўлади. Давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатини тушуна билиш, уни таҳлил қила олиш ва сиёсий вазиятга қараб, мустақил равишда ўз

¹³https://tsul.uz/files/avtoreferat/kadirov_eshmuxamad_omanturdievich.pdf

хатти-ҳаракатини белгилай олиш, сиёсий воқеаларни олдиндан кўра билиш, назорат қилиш ва амалий йўналишларни аниқлай олиш каби хислатлар эса фуқаронинг сиёсий маданиятини белгиловчи мезонлар ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Ҳозирги даврда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари”** деб номланувчи иккинчи бобида Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат ташкилотларининг тузилмаси ва вазифалари, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда нодавлат ёшлар ташкилотларининг роли ҳамда Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришга оид давлат сиёсатини амалга оширишда жамоат ташкилотларининг ўрни, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг сиёсий маданият шаклланиши ва ўзгаришидаги роли каби масалалар таҳлиliga диққат қаратилади.

Бизга маълумки, 2016 йил 14 сентябрда «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун янгидан қабул қилинди. Мазкур қонун бугунги кунда республикамиз ёшларининг орзу-истакларини рўёбга чиқариш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун зарур имконият ва шарт-шароитларни яратишга хизмат қилмоқда. Шу билан биргаликда, ёшларни турли салбий иллатлар, жумладан, терроризм, экстремизм каби ёт ғоялар, жиноят содир этишга олиб келувчи омиллардан сақлаш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида ҳозирги вақтда дунёда ёшларнинг сони икки миллиарддан ортиб қолгани, халқаро терроризм ва экстремизм шиддат билан ўсиб бораётган бир пайтда ёшларга ҳимоя зарурлигини таъкидлаб «Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция»ни қабул қилишни таклиф қилди¹⁴.

Давлатнинг бошқарув тизими, унинг сиёсий режими ва айниқса ёшларнинг сиёсий маданияти давлат сиёсий салоҳиятининг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Мамлакат ички сиёсатида аҳоли хусусан ёшларнинг сиёсий ҳуқуқлари таъминланганлиги, демократик сайлов тизими, ҳокимиятнинг тақсимланиш принципи ва фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокининг фаоллиги мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга асос бўлади.

Жамиятда аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий фаоллиги давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиради. Бу ҳақда Биринчи Президент Ислом Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида «Ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь) // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 19 сентябрь, № 189 (6883). — Б.1.

шакллантириш учун барча зарур шароитларни яратиш даркор»¹⁵- дея таъкидлаган эди. Ёшларда сиёсий, ҳуқуқий маданият қандай пайдо бўлади? Кўп ўқиган, назарий билимларни эгаллаган билан ёшларда ҳуқуқий, сиёсий маданият пайдо бўлиб қолмайди. Уларни ақл-идрок, виждон ва иймон билан англамоқ лозим. Сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий билим ва қарашлардан миллат ватан, тарихий масъулиятли даврларнинг талаб имкониятларини ҳисобга олиб фойдаланмоқ керак.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат тизимимеханизми кенг қўлланилмоқда. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ягона ёшлар билан ишлашга оид давлат органлари тузулмаси ишлаб чиқилган бўлиб, у қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд кўринишидаги ҳокимиятнинг бўлиниш принципи асосида ишлайди. Мазкур ташкилотларнинг фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни асосида тартибга солинади. Мамлакатимизда қўлланилаётган мазкур механизмнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унга кўра ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи тузилмалар элементларининг ўзаро алоқадорлик ва ўзаро таъсир асосида ишлаши ҳам кўзда тутилган. Бунинг учун эса мазкур тузилманинг боғловчи элементи сифатида коллегиял органлар (Республика, ҳудудий ва маҳаллий идоралараро Кенгаш) фаолияти йўлга қўйилган.

Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи энг йирик нодавлат нотижорат ташкилот сифатида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳисобланади. Ташкилот тузилмаси ва фаолият йўналишлари таҳлилидан шу кўринадики унинг ташкил этилиши билан республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар иштироки соҳасида мутлақо янги босқич бошланди, десак хато бўлмайди.

Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришга оид давлат сиёсати соҳасида йўналишлар бўйича аниқ ихтисослашган мустақил ташкилотлар сонининг камлиги ҳамда бундай ташкилотларни молиялаштириш манбаларининг ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ белгиланмаганлиги, бу йўналишдаги ишларни Қонуннинг 21-моддасида ёшлар ташкилотларига берилган таърифдан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатади. Айниқса, ташкилотлар фаолиятини молиялаштиришда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш ҳамда ҳудудлар имконияти ва шароитидан келиб чиққан ҳолда локал хусусиятга эга бўлган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар миқдорини янада ошириш шунингдек, уларнинг давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлаш борасида самарадор механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали

¹⁵ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт- пировард мақсадимиздир. Т.: Ўзбекистон, 2000 й. Б-32.

ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш бўйича натижадорликка эришиш мумкин¹⁶.

Тадқиқотнинг **“Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини юксалтиришнинг истиқболли йўналишлари”** деб номланувчи учинчи бобида Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришнинг амалий трансформацияси, ёшлар сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг ўзаро алоқадорлиги, мамлакатимиз ёшларининг сиёсий маданияти ва миллий ўзликни англаш концепцияси бўйича халқаро тажриба ва Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ўлчаш мезонлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

